

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON



# OYOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

2004-YIL ■ 13-NOYABR ■ SHANBA ■ 135 (27.310) ■ uzbovezi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Ўз дастурий мақсадларига фақат қонун доирасида ҳаракат қилиб, демократик жамият имкониятларидан, жумладан, Парламентдан фойдаланиб эришиш учун кураш олиб боради

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



### «ЗИЛОЛАТЕКС»: 100 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

ВА УЛАР БУГУН БЕЖИРИМ, АРСОН, АЙНИ ПАЙТДА СИФАТЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТИКИШАЯПТИ



Жиззах шаҳридаги «Зилолатекс» ҳиссасдорлик жамияти фаолияти айрим сабабларга кўра тўхтаб қолган, унда ишлаётган юзлаб кишилар эса ишсиз эди. Аҳвол ўрганиб чиқилгандан сўнг корхона ишини қайта тиклашга қарор қилинди ва бу борада қўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берди.

Айни пайтда корхонада иш юришиб кетган. Дастлабки босқичда юзта иш ўрни яратилди. Юз нафар тўқувчи, бичувчи ва тикувчи хотин-қизларнинг кучи билан ойига 55-60 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаёпти.

— Тўқув цехида ишлаяпман, — дейди Раъно Маматмуродова. — Ишонамиз уйимизга яқин. Бу ердаги шарт-шароитлардан кўнглимиз тўқ. Меҳнатимизга яраша ҳақ олаёلمиз.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратларда: тикувчилар Махфуза Аббосова билан Шаҳноза Соатовалар ўз қўлларидан чиққан кийимдан кўнглилари тўқ; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар; илгор тўқувчи Раъно Маматмуродова.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

## МАҚСАД: ХАЛҚ ИШОНЧИННИ ҚОЗОНИШ

Халқ демократик партиясининг IV қурултойи мазмуни ўтди. Унда партия фаолиятини янада кучайтириш, халқ ишончини қозониш, унинг манфаатларини фойдалаш ва бошқа турли масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилди.

Кўндалди қурултой делегатларидан айримларининг фикр-мулоҳазаларини қисқача баён қилишга ҳаракат қилдик.

**Вера ПАК,** Хива шаҳридаги Меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Халқ демократик партияси ўзининг сул қанот эканлигини эълон қилганини эшитиб хурсанд бўлдим. Демак, партия ўз Дастуридан келиб чиққан ҳолда халқ аҳолининг ижтимоий муҳофазатига муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоялашга янада маҳкамроқ бел боғлади. Партиянинг Дастурида ўқувчи, зиёлиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунки улар энг биринчи ташвиқотчи, тарбиячилар бўлиб, келажак авлод тарбияловчиларидир. Келажак учун мустаҳкам пойдевор қуришни истаган ҳар бир халқ биринчи навбатда ўқувчи-тарбиячинини эъзозлайди.

Муассасамизда ҳозир 140 нафар бола тарбияланмоқда. Афсуски, уларнинг аксарияти ота-онаси бор тирик етимлардир. Инсон давлатнинг энг қимматли бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро ёки ҳар бир партия инсон муаммосига, ҳимояга муҳтож одамларга эътиборсиз қараши мумкин эмас.

**Латиф ҒУЛОМОВ,** ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби:

— Фикримизча, маъмурий ислохотларга боғлиқ муаммолар тўғри ечилиш, иқтисодий ривожига тўққунли қилиб, ижтимоий самарадорликни пасайтириётган ҳамда демократик ўзгаришларга гав бўлаётган иллатларга барҳам берилади.

Шунингдек, ҳокимият бўлишининг конституцион тамойилларга асосланиб, олий давлат органларидан тортиб, то шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти маҳаллий тузилмаларигача фаолият чегараларини аниқ ажратиб олиб бориш масаласи ҳам долзарб муаммолардан биридир. Ҳокимлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари раислари лавозимларини бир-биридан ажратишга эришиш бу борадаги илк қадамимиз бўлади, деб умид қиламан.

ридан ажратишга эришиш бу борадаги илк қадамимиз бўлади, деб умид қиламан.

**Александр МЕЛКУМОВ,** «Совластитал» Ўзбек — Италия қўшма корхонаси директори, Олий Мажлис депутати:

— Инсон, халқ, Ватан манфаати учун курашиш партиянинг асосий шioriдир. Шунинг учун ХДП нега коммунал тўловларнинг ошиб бораётганлиги, электр энергиясининг нархи баландлиги каби аҳолини ташвишлантираётган масалаларга эътиборни қаратмаслиги керак?! ХДП доимо одамларнинг кайфияти, уларнинг хоҳиш-истакларидан хабардор бўлиши лозим.

Мени бир нарса уйлантиради. Баъзи бировлар боласи илмий ходим, фан номзоди бўлишни хоҳлайди, бошқасининг фарзанди бозорда гўшт сотади. Бозордагиси ўзига қаср қормоқда, олим эса кунини зўрга ўтказаяпти. ХДП ҳар бир касб эгаси, хусусан, зиёлининг жамиятда муносиб ўрин топиши учун курашиши керак.

**2-БЕТ**

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ, ТУРМУШИМИЗ ДАРАЖАСИ, ҲАҚ-ҲУКУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ БУГУН БИЗ КИМГА ОВОЗ БЕРИШИМИЗГА БОҒЛИҚ



## «ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНING «UZBEKISTAN AIRWAYS TECHNICS» КОРХОНАСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар! Меҳнат жамоангиз тарихидаги муҳим сана — «Uzbekistan airways technics» корхонаси ташкил этилганининг 80 йиллиги муносабати билан самимий қутловларини қабул қилгайсиз.

Авиация техникасини таъмирлаш бўйича асосий ишлар қўлда бажариладиган оддий устакона сифатида 1924 йилда ташкил қилинган мазкур корхона узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда жадал ривожланаётган, юксак технологиялар асосида фаолият юритадиган замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айланди.

Корхона кўп миллатли жамоасининг фидокорона меҳнати туфайли мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш қувватлари тубдан қайта жиҳозланди, илгор технологиялар, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув усуллари фаол ўзлаштирилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида корхона авиация хизматлари бозорида муносиб ўрин эгаллади, кескин рақобат муҳитида фаолият юритиш салоҳиятига эга бўлди. Айниқса, сизлар авиация техникасини халқаро андозалар даражасида таъмирлаётганингиз, буни хоржий ҳамкорларимиз ҳам тан олиб, корхона ҳақида ижобий фикрлар билдираётгани қувончлидир.

АҚШ, Россия, Канада, Украина, Буюк Британия ва Германия каби авиация техникаси соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланмиш мамлакатларнинг лойиҳачи ҳамда ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро манфаат-

ли, яқин ҳамкорлик туфайли А-310, Боинг-757, Боинг-767, RJ-85 каби замонавий самолётларни таъмирлаш бўйича минтақамизда ягона бўлган Техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил қилиш, уларга муҳандислик-техникавий хизмат кўрсатишда юқори натижаларга эришиш имкони вужудга келди.

Жамоадаги бой меҳнат анъаналари, янада такомиллаштирилган замонавий ишлаб чиқариш базаси, кадрлар тайёрлаш, жумладан, Европадаги энг яхши ихтисослаштирилган ўқув марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими мавжудлиги ходимлар, айниқса ёш мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сизлар эришган натижалар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани ва ҳукуматимиз авиация соҳаси ривожига доимий эътибор бериб келаётганининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлашни истардим.

Ишончим комилки, сизларнинг жамоангиз мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва обрў-эътиборини оширишда олжаноб ишга бундан буён ҳам салмоқли ҳисса қўшаверадир.

Азиз дўстлар, барчангизга чин қалбимдан муваффақиятлар ва меҳнатда янги-янги ютуқлар, сийҳат-саломатлик ва ҳаётингизда фаровонлик тилаймман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ «UZBEKISTAN AIRWAYS TECHNICS» АВИАКОРХОНАСИНING 80 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, миллий авиациямизни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Дворянинов Александр Иванович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси директорининг ўринбосари  
**Исаев Носир Масудович** — Авиакорхона 5-цеҳининг устаси

**«ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Хаво транспорти соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, замонавий авиация техникасини ўзлаштириш ва илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда эришган ютуқлари, турли миллатлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авлиёқулов Рустам Йўлдошевич** — Авиакорхона 11-цеҳининг электромеханиги  
**Бакин Василий Стефанович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси  
**Умарова Мурида Зуфаровна** — Авиакорхона 2-цеҳининг участка устаси

**«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Балабушенко Виктор Андреевич** — Авиакорхона 5-цеҳининг нуҳсон аниқловчиси  
**Ғуломов Сирожиддин** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси  
**Ештуков Анвар Юмагузиевич** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг мотор синаш станцияси устаси

**«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Алихонова Мавжуда Соатовна** — Авиакорхона 17-цеҳининг участка бошлиғи  
**Розиев Тўхта Тошпўлатович** — Авиакорхона 2-цеҳининг таъмирловчи-чилангари  
**Салдин Артур Андреевич** — Авиакорхона 23-цеҳининг йиғувчи-чилангари

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авдонина Зульфира Мирғасимовна** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг бўлим бошлиғи  
**Комалов Рофат Гимадутдинович** — Авиакорхона 5-цеҳининг синовчи-механиги  
**Саралем Вера Петровна** — Авиакорхона 10-цеҳининг бўёқчиси  
**Саримсоқов Абдуқодир Халитович** — Авиакорхона 2-цеҳининг чилангари  
**Титов Владимир Константинович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси  
**Умарова Мурида Зуфаровна** — Авиакорхона 2-цеҳининг участка устаси

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Авдонина Зульфира Мирғасимовна** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг бўлим бошлиғи  
**Комалов Рофат Гимадутдинович** — Авиакорхона 5-цеҳининг синовчи-механиги  
**Саралем Вера Петровна** — Авиакорхона 10-цеҳининг бўёқчиси  
**Саримсоқов Абдуқодир Халитович** — Авиакорхона 2-цеҳининг чилангари  
**Титов Владимир Константинович** — «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг муҳандиси  
**Умарова Мурида Зуфаровна** — Авиакорхона 2-цеҳининг участка устаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2004 йил 9 ноябрь

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Сиз минг йиллар давомида Ўзбекистон маданиятини бойитиб келатган эътиқод ва таълимот анъаналарини нишонлаётган ушбу дамларда, Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши тилакларни изҳор этаман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик келгусида ҳам ривожланаверишига тилақдошман. Самимият ила,  
**Жорж БУШ,**  
Америка Қўшма Штатлари Президенти

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Барча мусулмонлар учун муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Аллоҳ таоло Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига осойишталик ва раванқ ато этишига тилақдошман. Ҳаётингиз муборак бўлсин!  
**Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,**  
Яман Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби Олийлари,  
Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Ушбу қутлуг айём мусулмон умматининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, ислом динини тараннум этиш ва унинг олижаноб мақсадларини амалга оширишга илҳомлантиришига ишончим комил.  
Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат сўрайман.  
Юксак эътиромимни қабул этгайсиз.  
**Иаждундин АҲМАД,**  
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади. Аллоҳ таоло Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва осойишталик тилайман.  
**Умар Хасан Аҳмад ал-БАШИР,**  
Судан Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Ислом Абдуғаниевич,  
Рўза байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Туркманистон ҳукумати, халқи ва шаҳсан ўз номидан қалб тилакларини йўллашдан бағоят бахтиёрман.  
Қодир Аллоҳдан Сизга куч-қувват, узоқ умр, юртингизнинг биродар халқига ҳамда ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.  
Чўқур эътиром ила,  
**Сапармурот НИЁЗОВ,**  
Туркманистон Президенти

**Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби Абдулвоҳид Балқазиз, Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XALQ BANKI

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANKORI!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ALQABANK — aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22  
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

Шу йил 11 ноябрь куни Остона шаҳрида Қозоғистон МХК раисининг биринчи ўринбосари В.Божко матбуот конференцияси ўтказди. Бу анжуманда билдирилган баёнотнинг асосий мазмунини шундан иборатки, Қозоғистонда МХК сай-харакатлари натижасида «Марказий Осиё мужоҳидлари жамаати» деб аталган, ўта махфий равишда фаолият олиб боровчи, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия худудларида ҳаракат қилган ва «Ал-Қоида» ташкилотининг бир бўғини бўлган террорчилар гуруҳи аниқланган ва унинг фаолиятига чек қўйилган.

«Жамаат»нинг бошқарувида бири Аҳмад Бекмурзаев «шу йилнинг март ойида Тошкент шаҳридаги террорчилик ҳаракатларини бартараф этиш чоғида ўлдирилган». Иккинчи амир («Жамаат» раҳбари — **ТАХРИРИЯТ ИЗОҲИ**) — Қирғизистонда тузилган ва қирғиз миллатига мансуб Жақиббек Биймурзаев ушбу мамлакат паспортидан ташқари Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқароси, деган ҳужжатларга ҳам эга бўлган. Унинг Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини ташкил этгани аниқланган.

Жаноб В.Божко яна шуни маълум қилдики, «фотэ этилган гуруҳ раҳбарлари 2002

биз томонимиздан аниқланмоқда», деб қўшимча қилди В.Божко. В.Божко, шунингдек, «биз ўз фаолиятида яширин разведкага хос бўлган усуллардан, яъни Интернет, тезкор учрашувлар, махфий бошпалардан фойдаланиш каби пухта ишлаб чиқилган алоқа шакллари қўллаган душманга дуч келдик», деб қайд этди.

Айни пайтда «Биз мамлакатимиз ҳудудида террорчилар лагерлари ёки уларни тайёрлаш базалари борлигини рад қиламиз ва ана шу позицияда тураемиз», деб баёнот берди В.Божко. Биз жаноб Божконинг «Ин-

роҳлари» қарши кураш олиб бориши ва уларнинг олдини олиши лозим бўлган Қозоғистоннинг тегишли органлари рўй берган ва кўпчиликка маълум бўлган воқеалар ҳақида жамоатчиликни муайян даражада таништиришга қарор қилган.

Лўнда қилиб айтганда, одамларда пайдо бўлаётган, уларни албатта безовта қиладиган саволларга жавоб беришга кучли ҳужижэ тузилган эди.

Яна бир масала. Матбуот анжуманида жаноб Божко «қўлга олинган террорчи гуруҳларнинг Қозоғистонга нисбатан жиноий мақсадлари бўлмаган, уларнинг асосий нияти Ўзбекистонга йўналтирилган эди», деб баёнот берди.

Ва бу ҳақда жаноб Божко сезиларли бир мамнуният билан гапирди. Хўш, буни қандай изоҳлаш керак? Биринчидан, Қозоғистон раҳбарияти қардош Ўзбекистон халқи билан абадий ва бузилмас дўстлик ҳақида ўз халқи номидан доимо таъкидлаб келишини жаноб Божко ҳам яхши билса керак.

# ЖАНОБ ВЛАДИМИР БОЖКОГА БИР НЕЧА САВОЛ

ҚОЗОҒИСТОН МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ В.БОЖКО 2004 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ КУНИ ОСТОНА ШАҲРИДА ЎТКАЗГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖУРНАЛИСТ КУЗАТУВИ ВА ҚАЙДЛАРИ

Матбуот конференциясида «қўлга олинганлардан — 9 нафари Қозоғистон фуқароси, 4 нафари Ўзбекистон фуқаросидир, шунингдек, Жанубий Қозоғистон областида истиқомат қилувчи 4 нафар аёл кўпоровчилик мақсадида ўзини ўлдирганга таъйинланган» деб қайд этилди. В.Божконинг маълумот беришича, жиноий гуруҳ аъзоларидан «... тахминан 1000 нуска террорчиликка даъват этувчи адабиётлар, жумладан, Усама бен Ладеннинг муножазат акс этган 2000 донга аудио-видео кассета топилган ва мусодара қилинган. Бундан ташқари, улардан сохта паспортлар ва шундай ҳужжатларни тайёрлашда ишлатилган ускуна ва жиҳозлар, портлатиб мосламаларнинг тарихий қисмлари, қурол-ярроғ ва ўқ-дорилар олинган».

Матбуот конференциясида ушбу террорчилик ташкилотини фотэ этиш жараёнида «чет элдан топшириқ олиб, ўзининг жиноий шериклари билан бирга Ўзбекистонда шу мамлакатнинг юқори мансабдор шахсларидан бирига қарши террорчилик хуружиди содир этишга таъйинланган кўрган Ўзбекистон фуқароси Абос Усмонов қўлга олинган» ҳақида баёнот берилди. В.Божконинг маълумот бери-

терфакс»да эълон қилинган фикрларини қисқа ва айнан келтириб ўтдик. Қозоғистон Миллий хавфсизлик комитети томонидан ўтказилган матбуот анжуманида аввало нимага эътибор қаратилди ва унда асосан нималарга урғу берилди? Моҳият эътиборига кўра, ушбу матбуот конференцияси материаллари орқали мамлакат ҳудудида содир бўлаётган бундай воқеалар, жумладан, «Марказий Осиё» мужоҳидлари жамаатининг фаолияти Қозоғистонда ҳеч қандай жиҳиди заминга эга эмас, деган фикрни тингловчи ва ўқувчилар онгига синдиришга ҳаракат қилинмоқда.

Бу масалада гап борганда Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатлар фуқароларига доимо урғу берилмоқда, Қозоғистон фуқароларининг террорчилик гуруҳларидан қайишироқи фактини эса фақат илҳожсиз равишда, тишини тийша босган ҳолдагина тан олинмоқда.

Шу муносабат билан табиий савол туғилади: бу ҳолатда Ўзбекистоннинг қайси фуқаролари назарда тутилмоқда? Ахир бу ўринда, биринчи галда, 90-йилларда ва 1999 йилда Фарғона водийси,

лан шугулланди, ким уларнинг ҳимоясини ва очик юришини таъминлади, улар қай тарихи Қозоғистон фуқароси паспортига эга бўлди? Саволлар, саволлар, саволлар... Нима учун Тошкентда террорчилик ҳаракатлари ва портлашлар уюштириш, беғуноҳ одамларни ўлдириб асосий вазифаси этиб қўйилган жиноий кўпоровчи гуруҳларнинг қандай қилиб, кимнинг ёрдами ва кўмагида, қандай шароитларда шаклланиши ҳеч қимми, биринчи навбатда, жаноб В.Божко ва кили бўлган идорани қизиқтирмади?

2004 йил март-апрел ва июль ойларда Тошкентда содир этилган ҳамда бу жиноятчиларга нисбатан жиноий ишларни қўриб чиққан очик суд мажлисида баён қилинган ва ибобланган террорчилик ҳаракатларига Қозоғистон ҳудудида кириб келган экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг алоқадорлик фактини Қозоғистон махсус хизмат идоралари шу пайтга қадар инкор этиб келди.

Бугун шу нарса аён бўлмоқдаки, экстремизм ва зуравонликка даъват этувчи радикал оқимларнинг турли қўриқларига, террорчилик ху-

ружларига қарши кураш олиб бориши ва уларнинг олдини олиши лозим бўлган Қозоғистоннинг тегишли органлари рўй берган ва кўпчиликка маълум бўлган воқеалар ҳақида жамоатчиликни муайян даражада таништиришга қарор қилган.

## Сайловлар тўғрисида саволнинг берилми?

## САЙЛОВ ЦЕНЗЛАРИ НИМА?

**Савол:** Сайлов кампанияси муносабати билан ОАВда сайлов цензлари деган иборани кўриш мумкинми? Илтимос, у ҳақда тушунча берсангиз.

**Алишер УСМОНОВ, Жиззах шаҳри**

Ушбу саволга Тошкент давлат юридик институти ўқувчиси Гулзола САТТОВА жавоб беради.

**Жавоб:** Сайлов цензлари бу — Конституция ёки сайлов тўғрисидаги қонунларда сайлов ҳуқуқларини олиш ва амалга ошириш учун ўрнатилган шартлардир. Турли давлатлар конституциявий таърибасида сайлов цензларининг қуйидаги турлари мавжуд: Ёши, фуқаролиги, саломатлиги, мулки, билими, жинси, ирки, хизмати, тилига қараб шартлар белгиланади. Бу чеклаш шартларининг баъзилари — мулкӣ, жинсий, ирки белгилар демократик тамойилларга мутлақо тўғри келмайди. Бошқалари ҳар бир давлатнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида белгиланган даражада амалда мавжуддир. Масалан, сайлаш ҳуқуқи 18 ёшдан, сайлашни ҳуқуқи номзоднинг қайси органга сайланишига қараб, турли ёшдан белгиланиши мумкин.

## ШОҲИ ЗИНДА — МУҚАДДАС ҚАДАМЖО

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Самарқанд шаҳридаги энг гажум зиёратгоҳлардан бири — Шоҳи Зинда мажмуасининг қайта таъмирланаётгани бу эзгу, хайрли ишларнинг давомидир.


Мажмуа Марказий Осиёдаги энг машҳур зиёратгоҳ саналади. Эл орасида Шоҳи Зинда номи билан танилган тарихий шахс Қусам ибн Аббос қабри атрофида бунёд этилган йигирмадан зиёд иншоот кейинчалик ягона мажмуага айланган.

**Суратларда:** «Олтин водий» фирмаси (Тошкент) бригада бошлиғи Ваҳоб Мирзаев, пайвандчи Абдумалик Абдуқаниев ва Ботир Ғуломов; қорақалпоғистонлик уста Хўжаёв Бобоев.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар**



Ихтимой ҳаётдаги ўзгаришлар бошқа кўпгина омиллар қатори бевосита жамият аъзолари дунёқарашига, жумладан, фалсафий тафаккур ривожига ҳам боғлиқ. Бу борада айниқса фан ва таълим соҳасидаги ижобий ишларнинг аҳамияти беқиёс.



## Фан ва тараққуён

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ҳада юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг илмий-амалий касб маҳоратини ошириш, янги ўқув адабиётлари яратиш борасидаги ютуқлари учун ҳамда файласуф олимлар ижодий меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган «2001-2004 йилларда фалсафа фани бўйича нашр этилган дарсликлар,

# МАҚСАД: ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мен 18-Чилонзор сайлов округидан депутатман. Чилонзорда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар — ногиронлар бор. Улар бозорга чиқишга ёки ҳар қандай ишни бажаришга қаратилган ҳимояга муҳтож инсонлар бор. Уларга ёрдам бериш, шу жумладан, иш жойлари яратиш устида ўйлашимиз керак.

ХДП бир қоғозни тасдиқлаш учун минг марта эшик қоқишга, идораларда сарғайишга мажбур қиладиган бюрократчиликнинг қарши кураш бошлаши керак. Битта мисол айтилай. 1988 йилда Швейцария банкидан 5 миллионлик кредит олишга тўғри келди. Битта ҳужжат тўғриладики, холос. Вазирликнинг кафолати етарли экан. Ҳозир эса банкдан кредит олиш учун шунчалек кўп ҳужжат тайёрлаш керакки, ундан кўра доктор диссертациясини ёқлаш осонроқ.

Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят ҳудудий стандартлаштириш ва метеорология, сертифицилаштириш маркази директори: — Фуқароларнинг Россияга иш излаб кетишганлиги ҳақида гаплар юради. Бунинг нимаси ёмон? Россия ишчи кучи бозорига бой ўлка ҳисобланади. Бизда эса ишчи кучи кўп. Фақат бундай муносабатларни қонун асосида йўлга қўйишимиз лозим. Тегишли давлат органлари бу масалаларга эътибор бериши керак. Умуман, ҳеч қачон таълим олиш ва ишлаш таъминланмади. Бунга ҳеч қимми қилиш ҳақи ҳақим йўқ. Фуқароларимизнинг чет элги ишлашларини муҳофазат қилиш учун Олий Мажлис «Меҳнат миграцияси тўғрисида» қонун қабул қилиши зарур.

## Муродилла НОРМУРОДОВ: Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институтининг ректори, Олий Мажлис депутати :

— Партия аъзолари кимлар, унинг лидерлари ким, улар нима ҳақда гапирмоқдалар, — халқ, аввало, шунга қарайди. Унинг обрўйи баланд, сўзлари халқларар, ўзи халқ учун, ҳақ учун курашадиган бўлса, одамлар унга эргашади, уни қўллаб-қувватлайди. Қашқадарёда Олий Мажлиснинг ўтган икки чакриғида ҳам эллик физ ўқувчи ХДП вакиллари эгалланди. Бу юқори кўрсаткич. Бу партиянинг обрўйидан, халқнинг ишончидан далолат.

Муродилла НОРМУРОДОВ: Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институтининг ректори, Олий Мажлис депутати :

## Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, Наманган вилоят ҳудудий стандартлаштириш ва метеорология, сертифицилаштириш маркази директори:

— Фуқароларнинг Россияга иш излаб кетишганлиги ҳақида гаплар юради. Бунинг нимаси ёмон? Россия ишчи кучи бозорига бой ўлка ҳисобланади. Бизда эса ишчи кучи кўп. Фақат бундай муносабатларни қонун асосида йўлга қўйишимиз лозим. Тегишли давлат органлари бу масалаларга эътибор бериши керак. Умуман, ҳеч қачон таълим олиш ва ишлаш таъминланмади. Бунга ҳеч қимми қилиш ҳақи ҳақим йўқ. Фуқароларимизнинг чет элги ишлашларини муҳофазат қилиш учун Олий Мажлис «Меҳнат миграцияси тўғрисида» қонун қабул қилиши зарур.

Бу масалаларни ёритиш бўйича тахририятимиз ўзининг аниқ режасини ишлаб чиққан. Зиммамизда партияимиз сайлов-лоқ дастурини одамларнинг юрагига, онгига, ҳар бир бошланч ташкилотга етказиш, депутатликка номзодларимизни кенг тартиб қилишдек масъулиятли вазифа тўғрисида.

## «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Зағнофта туман бўлими раиси Фазилатхон ЮНУСОВнинг фикрича, «Камолот» ЕИҲ билан алоқа партия сафига илғор, етуқ ёшларни жалб қилишда қўл келиши мумкин. Шунингдек, асосий вазифалардан бири — ёшлар масалалари билан жиҳидий шугулланишидир. Жиноятчилик, турли хил оқимларга қўшилиш бекорчиликдан келиб чиқади. Ёшлар мисоли бир ниҳол. Уни истаган томонга ўстириш мумкин. Келажакимиз бўлган ёшларни ёт таъбирларга берилишига йўл қўйилмас керак, уларни иш билан таъминлаш лозим.

Курултойда сўзлаган қатор делегатлар партия экологик масалалардан четда туриши мумкин эмаслигига эътибор қаратишди.

Халқнинг ишончини қозониши мақсад қилган партия уни ташвишлантираётган муаммоларга яқинроқ бўлиши лозимлигини давронинг ўзи тақозо қилмоқда. Сийсий партиянинг обрўйи халққа, унинг манфаатларига яқинлигига боғлиқдир. Буни ХДП IV курултойида сўзга чиққан ҳар бир партия вакили таъкидлаб ўтди.

## Жўра АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги маслаҳатчиси, ЎЗР ФА академиги:

— БМТда атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, экология масаласига доир бир қанча конгресслар бўлиб ўтди. Партиялар ичида фақат ХДП Экологик дастурини ишлаб чиқди. Бу билан партия яна бир марта халқчиллигини намоян қилди. Мазкур программа бугун ҳудудларда фаоллар билан биргаликда бор ресурсларни ишга солиб, ҳаётга таъбиқ этилса, ХДП

Халқнинг ишончини қозониши мақсад қилган партия уни ташвишлантираётган муаммоларга яқинроқ бўлиши лозимлигини давронинг ўзи тақозо қилмоқда. Сийсий партиянинг обрўйи халққа, унинг манфаатларига яқинлигига боғлиқдир. Буни ХДП IV курултойида сўзга чиққан ҳар бир партия вакили таъкидлаб ўтди.

## Ўзбекистон ХДП таъкилотлари ҳаётидан

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Шу кунларда жойлардаги партия ташкилотлари томонидан Ўзбекистон ХДП IV курултойи якунларига бағишланган сўхбат, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Жумладан, ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши котиби, курултойи делегати С.Нурманов Нукус мелиорация ва сув ҳўжалиғи касб-хўнар коллежининг ўқитувчи ҳамада талабалари билан учрашди. У иштирокчиларга курултойи якунлари, ЎзХДПнинг

бундан бўён мамлакатимиз сийсий ҳаётида сўл йўналишда ҳаракат қилишига доир масалалар хусусида гапириб берди ва қўллаб-саволларга жавоб қайтарди.

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХДП Сирдарё вилоят ҳамада Гулистон шаҳар кенгашида партия фаоллари иштирокида бўлиб ўтган йилги ишчилик партиянинг келажакдаги стратегияси, ХДП МК биринчи котиби Аслидин Рустамовнинг курултойидаги мазкур сўздан кел-

либ чиқадиган вазифалар муҳома қилинди.

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Шунингдек, курултойи делегатларидан Б.Маҳмудов «Лола-модель» ўзбек-турк қўшма корхонасида, Қ.Ортиқбоева «Маънавият ва маърифат» марказининг Сирдарё вилоят бўлими ва Ховос тумани ҳокимлигида, Р.Ҳамроев Сирдарё тумани ҳокимлигида курултойи якунларига бағишлаб учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати


Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

## Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



**ЖАНГЛАР ДАВОМ  
ЭТМОҚДА**

Америка қўшинлари Ироқнинг Фаллужа шаҳрининг тўртдан уч қисмини эгаллаб олишди. Айни пайтда улар шаҳарнинг гарбий ва шарқий қисмларини бирлаштириб турувчи асосий йўлдан жануб томон ҳаракатланишмоқда.

Америка вакилларининг маълумот беришича, қўзғолончилар кичик гуруҳларга бўлиниб кетган бўлса-да, қаршилик кўрсатиб келмоқда. Ҳарбий ҳаракатлар шаҳарнинг Америка қўшинлари кириб борган қисмларида ҳам давом этмоқда.

Хайрия ташкилотларининг ҳисоботларига кўра, шаҳарда ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан олдин 300 мингга яқин аҳоли яшарди. Ҳозир эса у ерда аҳоли сони 50 мингдан ошмайди.

Ироқ муваққат ҳукумати Фаллужада бўлган барча сиёсий гуруҳларга, улар оғир жиноят қилмаган бўлса, амнистия берилишини эълон қилган.

Жангарилар вазиятни бошқа йўллар билан ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. Улар Оят Алавийнинг амакивачаси ва икки нафар оила аъзоларини ўғирлаб кетишган. Қўзғолончилар Америка ва Ироқ ҳарбийлари шаҳардан чиқиб кетмаса, гаровга олинганларни қатл этишларини айтишган.

**ДУНЁ АРАФОТ  
БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА**



Фаластин мухторияти етакчиси 75 ёшли Эсир Арафот 11 ноябрь тонгда ҳаётдан кўз юмди. Унинг жасади Париждан Қоҳирага олиб келинди. Видолашув маросими ўтказилган, у Иордан дарёсининг гарбий қирғоғига дафн этилди.

Видолашув маросимига араб давлатлари раҳбарлари ва бошқа давлатлар вакиллари келиши кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: Арафот 29 октябрь кунини Парижнинг Перси касалхонасига даволаш учун олиб келинган эди. У 3 ноябрдан буён ҳушсиз эди. Сешанба кунини унинг миёсига қон қуйилган. Чоршанбада эса жигар ва буйрағи фаолияти тўхтади.

«Бу тарихимизда қора кун бўлиб қолади. Биз раҳбаримиз ҳаётдан кўз юмганидан қаттиқ қайғураемиз», — деди Фаластин мухторияти вазирлиги Соиб Эракат.

Ҳозирча Арафотнинг издоши ким бўлиши номалум.

Етакчилик вазифасини қонунга биноан 60 кун давомида Фаластин қонун чиқарувчи йигини спикери Рави Фатух бажариб туради.

Эсир Арафотнинг ҳаётдан кўз юмиши муносабати билан бир қатор мамлакатлар раҳбарлари Фаластин халқига ўз ҳамдардликларини изҳор этди.

**БМТ Бош котиби Кофи АННАН:**  
— Арафот Фаластин халқи орзу-умидларининг намоёнчилиги эди. Ослодаги келишувга қўл қўйиб, у ўз орзуларини амалга ошириш томон қадам қўйди. Бироқ энг ачинарлиси, у бу шартноманинг рўёбга чиқишини кўра олмади.

**АҚШ президенти Жорж БУШ:**  
— Унинг ўлими Фаластин тарихининг эътиборга молик санаси бўлиб қолади. Уйлаймизки, келажакда Фаластин халқининг тинч ва оқойишта ҳаёт кечирishi ҳақидаги умидлари амалга ошад.

**Россия президенти Владимир ПУТИН:**  
— Эсир Арафот бутун умрини Фаластин халқининг одилона ишига, яъни унинг муқталик давлат қуриш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга бағишлади.

**Франция президенти Жак ШИРАК:**  
— 40 йил давомида Фаластинликларнинг миллий ҳуқуқларини тан олдириш учун курашган мард ва ўзига ишонган одам ҳаётдан кўз юмди.

**ХХР раиси Ху ЦЗИНЬТАО:**  
— Арафот ёрқин етакчи ва Хитойнинг буюк дўсти эди.

**Интернет материаллари асосида Хуршид РАУПОВ тайёрлади.**

**«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ  
134-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ**

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериисининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

<b>1 ТУР</b>	45	20029794.2	20006234.3	Сумма:	<b>7 ТУР</b>	10000	<b>16 ТУР</b>	Сони: 364
	33	60015163.3	<b>4 ТУР</b>	250000		<b>11 ТУР</b>	4	Сумма: 300
	73		<b>8 ТУР</b>	Чипталар		18	Сони: 40	<b>22 ТУР</b>
	42	53	58	рақами	Сони: 2	Сумма: 600	Сони: 57	Сони: 619
	8	59	26	40014392.3	Телевизор	Сумма:	<b>17 ТУР</b>	Сумма: 300
	6	10	31	50022848.1	Чипталар	5000	84	<b>23 ТУР</b>
	11	55	56	60025318.1	рақами	20008874.1	Сони: 78	64
	25	71	39	90007869.2	<b>5 ТУР</b>	40027167.2	<b>12 ТУР</b>	<b>24 ТУР</b>
	24	2	88	<b>6 ТУР</b>	Сони: 6	44	Сумма: 500	Сони: 989
	40	9	61	13	Сумма: 3000	60	<b>18 ТУР</b>	Сумма: 300
	32	76	22	Сони: 1	<b>13 ТУР</b>	Сони: 4	Сони: 133	<b>Кўшимча тур</b>
	3	41	15	Телевизор	Сумма: 87	Сони: 10	Сони: 400	Сони: 31
Сони: 1	30	65	29	Чипта рақами	Сумма: 25000	Сумма: 2000	<b>19 ТУР</b>	Сумма: 900
Автомат-	1	54	77	50006256.1	<b>9 ТУР</b>	83	Сони: 167	<b>Халтадан чиқмаган шарлар:</b>
нитолла	14	23	17	<b>6 ТУР</b>	Сони: 5	Сумма:	<b>20 ТУР</b>	19,
Чипта	74	16	78	47	Сумма: 15000	Сумма: 1000	Сони: 85	49,
рақами	63	48	46	Сони: 2	Сони: 17	Сони: 1000	Сони: 244	51,
10007992.1	Сони: 2	80	36	Телевизор	Сумма: 15000	<b>15 ТУР</b>	Сумма: 300	69,
Видеомаг-	Сони: 1	82	34	Чипталар	Сони: 5	Сони: 30	<b>21 ТУР</b>	72,
нитофон	Телевизор	34	27	рақами	Сумма:	Сумма: 800	26	75
70	Чипталар	Чипта	Сони: 4	80025991.3				
62	рақами	рақами						
89								

**«Яхши Ният» телевизияон уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 25 ноябрдаги 135- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:**

- 1-турда биттадан Автоматноглола
  - 2-турда биттадан Видеомагнитофон
  - 3-турда биттадан рангли Телевизор
  - 4-турда 60.000.000 сўмлик ЖЕК ПОТ ўйналади.
- Агар чиптангиз 55 -юришда тўлса сиз 60.000.000 сўмлик микдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.

- 56,57 -юришда чиптангиз тўлса «LACETTI» ҳамда 5.000.000 сўм пул,
- 58,59 -юришда чиптангиз тўлса «NEXIA» ҳамда 3.000.000 сўм пул,
- 60-61 -юришда чиптангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 1.000.000 сўм пул,
- 4- турнинг 62- юришидан сўнг «MATIZ» автомобилга ютуғи.
- 5-7- турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти «Лаура» ХФ сида берилади. Манзили: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. телелотереяси чипталарини Мўжалал: «Украинка» дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. гавета дўконларидан ва чипта Пул ютуқлари Мировод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда «Лаура» тарқатувчилардан олиш мумкин. ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги**

**«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН**

2004 йилнинг 14,17,21,24,28,31 декабрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги ер участкаларига узок муддатли ижара ҳуқуқи қўйилади:

Савдоларга Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 2-мавзе, Арнасой кўчасида жойлашган, савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси (ер майдонда жойлашган каналлзация тармоғини қўчириш шарти билан) қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,036 га. бўлган ер участкасига узок муддатли ижара ҳуқуқи.

**Бошланғич нархи — 2 645 160 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Янги Сирғали кўчасида жойлашган, махсуслаштирилган дўкон қуриш учун мўлжалланган, сатҳи 0,15 га. бўлган ер участкасига узок муддатли ижара ҳуқуқи.

**Бошланғич нархи — 10 018 500 сўм.**

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 6-мавзе, 6-уйда жойлашган 3 хонали, майдони 56,35 кв.м. бўлган 22-хонадон.

**Бошланғич нархи — 2 172 037 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонасининг «Узйўлжамгармабан» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига ер участкалари учун бошланғич нархидан 5 фоиз микдорда, қолган объектлар учун бошланғич нархидан 10 фоиз микдорда закалат пули тўлайдилар. Арзишлар қабул

Гувоҳнома № 000815

**BS BURSEL GROUP**

*Ўзбекистон халқини ва барча мўмин-мусулмонларни Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан самимий қутлайди.*

Мана шундай саодатли, фарахли ойда қилган барча ибодатларингизни, муқаддас Рамазон ойида тутган рўзаларингизни Аллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин.

Ўзбекистонда ҳаммиша тинчлик-барқарорлик ҳукм сурсин. Инсонлар ўртасида ахиллик, меҳр-оқибат йўқолмасин. Аллоҳ назари тушган ўзбек заминидан тўкин-сочинлик ва қут-барака асло аримасин!

**Муборак ҳайит кунлари муносабати билан юртингизга маъмурчилик ва равнақ тилаймиз.**


**BS BURSEL GROUP**

**«БУРСЕЛ ГРУПП»**

**ЖАМОАСИ**


2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

# ОҚИБАТНИНГ ОҲОРИ ТЎКИЛМАСИН



Спорн

## ОЛИМПИАЧИЛАР ОРАМИЗДА



Инсоний туйғулар ичида ўзгага меҳр-оқибат кўрсатиш энг олий фазилатдир. Зеро, жамият раванқининг юксалиши ҳам кўп жиҳатдан одамларнинг ўзаро бир-бирларини тўғри англаб етишлари, ҳамфикрлик, меҳрли бўлишларига асосланади. Ўзаро меҳр-мурувват туйғуларини шакллантириш, ривожлантиришимизда, албатта, саховатли, зиёли, тафаккури бой одамларнинг фикр-мулоҳазалари, мурувватпешалиги, бағрикенглиги ибрат намунасидир.

Сўхбатдошимиз — таниқли олим, профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Вирусология институти директори, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси Шабот ХЎЖАЕВ.

— Домла, Сизнинг тиббиёт фанига кўшган улушингиз, илмий фаолиятингиз ҳақида кўп биламиз. Ҳозир одамлар орасидаги оқибат туйғуси ҳақида сўхбатлашсак. Олам кўрган одамсиз, дунё халқлари маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи билан танишсиз, умуман, Сиз меҳр-шафқат туйғусини қандай англайсиз?

— Тарихни тафтиш қилиш, кавлаштириш эмас, уни ўрганиш, таҳлил этиш, сабоқ чиқариш фойдалидир. Собиқ тузум даврида одамлар орасидан оқибат кўтарила бошлаганди, ота болани, бола отанинг оиладаги ўрнини чоғиштириб, «тенг ҳуқуқлилик» пардаси остида турли миллат халқларининг миллий урф-одатлари, ананалари «яхлит битта оила»га зўрама-зўраки тикиштирилди. Натигада, шарқона гўзал хулқ-атворишимизга зид ҳолда катта кичик-ка шафқатни унутди, кичик кат-

тага ҳурматни бир чеккага йиғиштириб қўйди. Зиёли олим шогирдидан «мустақил ишла» ҳабилида маънавий маддани йиғиштирди, шогирд ўсиб ус-тозининг пайини қирқишгача бориб етди.

Оқибатли одамлар жамиятнинг катта бойлиги, улар қайси соҳада бўлмасин барчани згулик сари етаклайдилар. Ўзбек халқининг ёрқин миллий фазилати — муҳтожга меҳр, ўзгага мурувват кўрсатиш. Уруш йиллари буни биз аққол кўрганмиз. Хар бир хонадон етим бошини сийлаган, ўзининг сўнги бир бурда нонини муҳтожлар билан баҳам кўрган.

Меҳр-мурувват тушунчаси кенг маъно касб этади. Баъзан моддий жиҳатдан бекам-кўст одамлар ҳам ўзининг маънавий мурувватига зориқиб яшайдилар. Шунинг учун ҳам халқимиз меҳр-оқибатни ўзаро тотувлик, ҳамфикрлик, ўзаро муштарак мақсадлар сари интилиш-

да деб билади.

— «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси айна пайтада қандай фаолият кўрсатяпти?

— Жамғарманинг фаолият кўлами кенг. Мен фақат бир муҳим йўналиши ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳаёт мисли улкан карвонсарой — бир эшикдан кирасиз, вақт тақдоси билан бу салтанатни ташлаб кетасиз. Сиз олимсиз, оддий боғбонми, дунё таниган арбобмисиз ёки туғилган қишлоғидан нарини кўрмаган меҳнаткаш деҳқонми, вақт ўз ҳукмини ўтказасиз. Қайсидир маънода жамиятнинг катта дошқозонида қайнаб юрган одам — олим ҳам, деҳқон ҳам қаригач, барибир, бир чеккага сурилиб қолади. Кимнингдир оиласи ҳаёт ташвишларига кўмилиб қолиши, бошқасининг дардига атрофидагилар турмуш галваларидан ортиб, вақтида эътибор беролмаслиги мумкин. Яна кимнидир ёлғизлик эзар, меҳрга, эътиборга ташнадир, маънавий кўмакка муҳтождир. Жамғармамиз шундай одамларга ёрдамга келади.

Урмим давомиди кўп ҳодисаларга шохид бўлдим, дунёни кўрдим, кўпгина хоржий давлатларда, турли миллат халқлари орасида яшадим, ишладим, уларнинг маданиятини, айниқса, миллий урф-одатларини ўргандим, очиргани, кузатдим. Бошқа халқларнинг маданиятини заррача камситмаган

ҳолда, очик айтаман, биз ўзбеклар ниҳоятда биродарлашган, маънан мурувватпеша халқимиз. Бир воқеани айтиб берай. Собиқ «қизил тузум» гуриллаган пайтлар, хоржий давлатда бўлаётган анжуманда қатнашяпмиз, биз уч нафар ўзбекистонлик меҳмонхонада хар хил хоналарга жойлашдик. Менга араб ва америкалик етук мутахассислар ҳамхона бўлишди. Улар билан узоқ ҳамсуҳбат бўлдим. Ўзбекона урф-одатлар, меҳр-мурувват, оқибат, инсонийлик ҳақида ҳаётий мисолларни айтиб бердим. Сўзларим уларда зўр таассурот қолдиргандай бўлди. Кейинги кун ўша хоржийлик олим ўз нутқида: «Ўзбек деган халқ бор, уларни бир туйғу бирлаштириб туради — оқибат!» деганида бутун зал қарсақ зарбидан бир қалқиб тургандай бўлди. Бу биз учун оддий ҳол — чунки биз меҳр-оқибат ичида яшаганмиз, яшяяпмиз, яшяймиз...

— Баъзан мол-мулк учун ёки амалпарастлик қилиб ўзаро низолашаётган айрим оилаларни кўргач одамлар орасидаги оқибат биров кўтарилаётгандай туюлмайдими?

— Халқда гап бор, шולי курмаксиз бўлмайди. Лекин бу мулоҳаза бизни хотиржам бўлишга ундамаслиги керак. Чунки курмак чиққан ош, қанча тотли бўлмасин, гашингизга тегади. Кейинги 50 йил ичида (яширишнинг нима кераги бор!) халқи-

мизнинг миллий колорити ҳисобланган каттага ҳурмат, кичика иззат, устоьга эҳтиром, шогирдга ғамхўрлик, аёлга эъзоз, эркакка қадр-қиммат тушунчаларига «нотенглик» деб қаралди, «теп-текис» муносабат ўрнатилди.

Баъзи уруш-жанжалли оилалардаги келишмовчиликларнинг илдизи ўша «теп-текис тарбия»нинг ҳалиям онгимизда сақланиб қолаётганида. Назаримда, бундайлар жамиятимиздаги, одамларимиз орасидаги оқибатнинг оҳорини тўкиб қўяётгандай туюлади.

— Домла, инсон ўзида ва ўзгада меҳр-мурувват туйғусини қандай уйғотади?

— Меҳр бу бамисоли куртак, уни парварош қилиш орқалигина воьга етказиб, ўстириш мумкин. Меҳр ўчоғи — Она, аёлнинг қалбидир.

Тарихга бир назар ташлайлик. Буюк соҳибқирон Амир Темур миллатнинг жисмоний баркамол, ирсий жиҳатдан соғлом бўлиши учун катта хизматлар қилган сиймодир. Оила қуриш ёшидаги йиғиларга никоҳдан икки ой олдин май ичишни таҳқиқлаб қўйган, қизнинг соғломлиги билан қизикқан, ёш оналарга алоҳида парварошни буюриш билан бирга боласининг кўнглига меҳр уруғини сепишни, оқибат куртакларини шакллантириш лозимлигини айтган.

Меҳр шундай туйғу, қалбнингиздаги эзгуликни ўзга ҳам улашшш керак. Муҳтож одамга меҳр беринг, муруватингизни аяманг, у ҳам албатта, буни кимгадир улашади. Биродарлик шу таҳлилда узвий занжир ҳосил қилади, оқибат боқийлик касб этади.

Сўхбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Сўнги йилларда мамлакатимизда спортнинг таэквондо (WTF) тури жадал ривожланмоқда. Айни пайтада Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси бу тури янада омалаштириш йўлида қатор амалий ишлар олиб борапти. Жумладан, пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг 11 вилоятда таэквондо федерациялари фаолияти йўлга қўйилган.

— Бу Шарқ яққақураши турининг Ўзбекистонга кириб келганига кўп бўлгани йўқ, — дейди биз билан сўхбатда ассоциация бош котиби Олег Пак. — Ҳозирда мамлакатимизда таэквондо билан 17 мингдан ортиқ киши шуғулланаётганиги эса мазкур спорт турига қизиқувчилар сони тобора ортаётганини кўрсатиб турибди. Айниқса, таэквондочи қизларимиз Ирина Кайдашова, Наталья Микрюковаларнинг ўзбек спорти тарихида биринчи бўлиб Афинада ўтказилган XXVIII ёғи олимпиадада иштирок этганилари спортчиларимизни янада руҳлантириб юборди. Кўпбал иштирокчи таэквондочиларни тарбиялаш мақсадида ўсмирлар ва болалар ўртасида уюштирилаётган мусобақаларда умидли таэквондочиларимиз мунтазам қатнашиб келмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ниҳоясига етган Ўзбекистон очик чемпионатида катталар билан бир қаторда болалар ва ўсмирлар ҳам татамига чиқдилар. Унда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Қозғоғистон, Тожикистон Республикалари вакиллари ҳам голиблик учун бахслашди. Элликка яқин жамоа иштирок этган мусобақа қатор истеъодли ёшлар воьга етаётганини кўрсатди.

Эркин ХОЛБОЕВ  
Суратда: мусобақадан лавҳа.

Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur GODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
birinchi o'rinbosari
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari
«Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen
QAIPBERGENOV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani
MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

### BO'LIMLAR:

<b>Siyosat, partiya va xalqaro hayot</b>
133-44-55
<b>Ma'naviyat va ma'rifat</b>
133-69-45
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b>
133-20-36
<b>Parlament va huquq</b>
136-76-21
<b>Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik</b>
133-21-43
<b>Xatlar va ommaviy ishlar</b>
133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib
133-72-83
<b>Reklama va e'lonlar</b>
133-38-55, 133-47-80

### VILOYAT MUXBIRLARI:

<b>Andijonda —</b>
25-32-70
<b>Buxoroda —</b>
222-10-92
<b>Gulistonda —</b>
25-03-80
<b>Jizzaxda —</b>
5-49-85
<b>Navoiyda —</b>
3-39-20
<b>Namanganda —</b>
6-43-43
<b>Nukusda —</b>
222-70-15
<b>Samarqandda —</b>
35-20-54
<b>Urganchda —</b>
226-51-35
<b>Farg'onada —</b>
26-43-62
<b>Termizda —</b>
3-79-98

### MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa akaiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159

7259 nusxada bosildi

t — Tijorat materiali

O'za yakuni —

Topshirish vaqti —

2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda

### Янги шеърлар

## ТОЛЕ КУЛМАСА ХАМ СИЗ КУЛИБ ТУРИНГ...



Кеча сал қолди-да... азалий, қадим —  
 Қадим, оқибат девори титради...  
 Дилдорлик қай кетди, дилбарлик қани?..  
 Мунис, меҳрибоним мулк дунёни  
 Кўзингиздаги меҳр яшарттиради.

Қошлар чимиради — гап қочса, рўзгор...  
 Нимадир чинидай чил-чил синади.  
 Шукр денг, ҳар қарич нуқтада ризқ бор,  
 Кўнглимда ёшин яшаган зиёни  
 Кўзингиздаги меҳр яшарттиради.

...Барибир, Сиз борсиз, кетса омадим,  
 Сиз борми, юрагим уриб туради.  
 Эссиз, дадам, онам... асрай олмадим...  
 Эй, дилкаш ҳабибим, дилу дарёни  
 Кўзингиздаги меҳр яшарттиради.

...Қизарган уфққа юз босмоқ тугул...  
 Ҳали нафасимда ҳисларим тирик.  
 Лаб очинг, тўқилсин, ифор, атиргул,  
 Тوله кулмаса ҳам Сиз кулиб туринг.  
 Минг йиллар яшаган яшил гиёҳни  
 Кўзингиздаги меҳр яшарттиради.

...Кеча сал қолди-да, азалий, қадим —  
 Қадим, оқибат девори титради...  
 Дилдорлик қай кетди, дилбарлик қани?  
 Кўзимда кўз очган битта дунёни  
 Кўзингиздаги меҳр яшарттиради.

### СОҒИНЧ

Ота-она ўлмоқ — мерос, қисмат экан,  
 Бир-бирига чирмашган жуфт дарахт экан,  
 Кўз олдимда буй чўзган бек, бекаларим,  
 Йўғу борим — сингилларим, укаларим.

Олис, куюқ туманларга ёқа бўлдим,  
 Сиз эмас, мен сизга эрка ака бўлдим,  
 Қалбим ёриги... гоҳида чегаларим,  
 Хуш дийдорим — сингилларим, укаларим.

Нима қилдим, ранги синик ошнингизда,  
 Сўянч бўлсам бўлмасмиди ошнингизда? —  
 Ўз-ўзимни ўйлов билан тилкаладим,  
 Интизорим — сингилларим, укаларим.

Рости, қандай гина ўтган, унутганман,  
 Рости, мен ҳам сиздайин бир кўнгли ярим.  
 Фақат ўзимдан... ўзимдан ўталадим,  
 Дилда зорим — сингилларим, укаларим.

Қизим, ўғлим бисотимдир, борлигимдир,  
 Ҳаётимга муҳрланган ёригимдир.  
 Бу дунёдан ўтсам менга эгаларим,  
 Мунглиг торим — сингилларим, укаларим!..

Илҳом КАРОМ

Республика давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2004 йил 9 мартда Ташкенбаева Мавлюда Раҳмановна номига берилган мулкнинг ҳуқуқни тасдиқловчи №0022979 сериали рақами 97 ау бўлган давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«APT SHOUARK» EАЖ КРК истироҳат боғининг масъулияти чекланган жамиятига ўтиши ва устоз жамғармаси 7 200 000 сўндан 6 900 000 сўмга ўзгартириш муносабати билан қизиқувчи шахсларга Сирғали тумани, Спунтик-10 даҳасидаги истироҳат боғи офисиغا мувожаат қилишлари мумкин.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ БЕРУНИЙ «ЁҒҒАР»

### ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

#### Ўзбекистон халқини бутун мусулмон оламида кенг нишонланаётган муборак Ийд Рамазон ҳайити билан самимий табриклайди.

Жорий йилда бошқа вилоятлар қатори Қорақалпоғистон Республикаси ҳам давлатга пахта сотиш режасини ортиғи билан уддалади. Бу эса ўз-ўзидан бизнинг корхонамиз жамоасининг барқарор ишлашига таъсир кўрсатади. Бинобарин, хомашё сероб бўлгач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошади. Қувватлардан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келади.

**Халқимизни муборак байрам билан табриклар эканмиз, шу саодатли кунларда барча оилаларга тинчлик, фаровонлик, тўкин-сочинлик тилаймиз!**